

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОХЎЖАЕВ БАХТИЁР НАЗИРХЎЖАЕВИЧ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАҲСУЛОТЛАР
АССОРТИМЕНТИНИНГ МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Бобоҳўжаев Бахтиёр Назирхўжаевич

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулотлар
ассортиментининг маркетинг бошқарувини такомиллаштириш 3

Бобоҳўжаев Бахтиёр Назирхўжаевич

Совершенствование маркетингового управления ассортиментом
продукции в деятельности субъектов предпринимательства 27

Boboxukhujaev Bakhtiyor Nazirkhujaevich

Improving the marketing management of the product range in the
activities of business entities 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОХЎЖАЕВ БАХТИЁР НАЗИРХЎЖАЕВИЧ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАҲСУЛОТЛАР
АССОРТИМЕНТИНИНГ МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt52 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (tsue.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Болтабаев Махмуджон Рустамович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бекмурадов Адхам Шарипович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Отажонов Шухрат Ибрагимжонович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03.10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Ж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда енгил саноатни ривожлантиришда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, кишиларнинг кийим-кечак маҳсулотларига талабини қондиришда тадбиркорлик субъектларида маҳсулот ассортименти сиёсатини амалга ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун замонавий маркетинг тамойилларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Дунё миқёсида табиий толалардан йилига 34 млн. тонна газлама ишлаб чиқарилиб, бу сунъий тўқимачилик маҳсулотлари ҳажмидан 2 марта ортиқдир. Тўқимачилик саноати жадал суръатларда ривожланаётган асосий ҳудудларга Жанубий Осиё, Шарқий Осиё, МДХ, АҚШ ва Европа давлатларини киритиш мумкин»¹.

Шу жиҳатдан истеъмолчиларнинг доимий равишда кийим-кечак маҳсулотларига эҳтиёжларини қондиришда тикув-трикотаж корхоналарида ассортимент сиёсати самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда саноат корхоналарида, хусусан, енгил саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ва савдосини ташкил этишда ассортимент сиёсатини амалга ошириш соҳасида кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, тикув-трикотаж саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболини аниқлашнинг эконометрик моделлари яратилган ҳамда ушбу моделлар ёрдамида тикув-трикотаж саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида бу маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳажми прогнозланган. Шунингдек, кийим-кечак маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, унга таъсир қилувчи омиллар, ассортиментни бошқаришда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот захиралари ва логистикасини самарали бошқариш, ассортимент сиёсатини инновацион бошқаришнинг стратегик инструментларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат нархи ва сифати билан, балки функционал имкониятлари билан ҳам рақобатлашмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари томонидан бозорга мустақкам позицияга эга маҳсулот маркаларига устувор аҳамият қаратиш зарурлигини талаб этмоқда. Бироқ тадбиркорлик субъектлари кўп ҳолларда мақбул ассортимент сиёсатини юритишга алоҳида аҳамият қаратмай, фақатгина бозорда харидоргир бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва бозорга таклиф қилишга уринмоқдалар.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятида маҳсулотлар ассортиментини бошқариш соҳасида тезкор қарорлар қабул қилиш имконини берувчи комплекс ва универсал методологик ёндашув мавжуд эмаслиги ҳам юқоридаги ҳолатнинг сабаби сифатида намоён бўлмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

¹ <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

Ҳаракатлар стратегиясида «Иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»² бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари ассортиментининг маркетинг бошқарувини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбиланмонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2016 йил 21 декабрдаги «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳсулотлар ассортиментини бошқариш муаммолари хорижлик олимлардан Д.Абелл, И.Ансофф, Ф.Котлер, М.Портер, Я.Корнай, Р.Баззел, Н.Капустина, Р.Кунц, Б.Карлоф, А.Оуэн ва А.Томпсон, Бэ Янг Сон ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган³.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони 1-илоvasи.

³ Abell D.E. Defining the Business: The Starting Point of Strategic Planning. Englewood Cliffs, NJ, Prentice-Hall, 1998.; 140.; Abell D.E. and Hammond J.S. Strategic Market Planing. -Englewood Cliffs, NJ, Prentice-Hall, 1999.; Ансофф И. Стратегическое управление. / Под ред. Л.И.Евченко: Пер. с англ. – М.: Экономика, 2009. - 589 с.; Баззел Р., Кокс Д., Браун Р. Информация и риск в маркетинге / Пер. с англ. под ред. М.Р.Ефимовой. – М.: Финстатинформ, 2003.-96 с.; Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс.: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2010. – 656 с.; Капустина Н.Е. Теория и практика маркетинга в США. М.: Экономика, 2001.- 159 с.; Портер М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / пер. с англ. И. Минервина. – М.: «Альпина Паблишер», 2011. — 454 с. Корнай Я. Дефицит. – М.: Наука, 2009. - 181 с.; Кунц Р. Управление: системный и ситуационный анализ управленческих функций / Р. Кунц С. О'Донелл: пер. с англ. – М.: Прогресс, 2009. -201с.; Карлоф Б. Деловая стратегия. – М.: Экономика, 2013. - 198 с.; Оуэн А. Как осуществлять стратегию. Хрестоматия «Управление изменениями». – М.: МЦДО «Лина», 2006 . - С. 141-149; Томпсон А.А. Стратегический менеджмент. Искусство разработки и реализации стратегии / А. А. Томпсон А. Дж. Стрикленд: пер. с англ.; под ред. Л.Г.Зайцева М.И.Соколовой. - М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2011. -576с.; Бэ Янг Сон. Управление развитием текстильной промышленности на основе стратегии формирования кластеров (на материалах Республики Корея и Республики Узбекистан) авто. канд. экон. наук. – Т.: ТДИУ, 2008. – 24 б.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Г.Л.Багиев, В.М.Тарасевич, Х.Анн, И.К.Беляевский, А.М.Годин, Е.П.Голубков, В.Беляев, С.Букин, Б.Герасимов, Р.Калька ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган⁴.

Ўзбекистонда маркетинг тизимини такомиллаштиришнинг умумий жиҳатлари ва тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлар ассортиментининг маркетинг бошқарувини ўрганиш масалалари маҳаллий олимларимиздан А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, Б.Б.Беркинов, М.А.Икрамов, И.Иватов, М.С.Қосимова, Д.Муҳитдинов, М.Насриддинова, А.Солиев, М.Юсупов, А.А.Фаттахов, Ш.Дж.Эргашходжаева ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган⁵.

Бироқ бу соҳада амалга оширилган ишларнинг кўламига қарамай, тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари ассортиментининг маркетинг бошқарувини такомиллаштириш масалаларига кам эътибор қаратилган ва назарий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-А2-050 рақамли «Енгил саноат корхоналарининг

⁴Багиев Г. Л., Тарасевич В. М., Анн Х. Маркетинг: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2006. – 733 с., Беляевский И. К. Маркетинговые исследования: информация, анализ, прогноз. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 320 с., Годин А. М. Маркетинг: Учебник для вузов. – М.: Дашков и Ко, 2009. – 651с., Голубков Е. П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика. – М.: Финпресс, 2008. – 414 с., Беляев В.И. Маркетинг: основы теории и практики: учебник / В.И. Беляев. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 680 с.; Букин С.О. Основы маркетинга в вопросах и ответах / С.О. Букин. – Ростов н/Д.: Феникс, 2009. – 154 с.; Герасимов Б.И., Мозгов Н.Н. Маркетинговые исследования рынка: учебное пособие / Б.И. Герасимов, Н.Н. Мозгов. – М.: ФОРУМ, 2009. – 336 с.: ил.; Данько Т.П. Управление маркетингом: Учебник. 3-е изд., перераб. И доп. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 363 с.; Калька, Регине. Маркетинг / Регине Калька, Андреа Мэссен; (пер. с нем. М.В. Лапшинова). – 3-е изд., стер. – М.: СмарТБук, 2010. – 126 с.

⁵Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. – Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: Икт. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 35 б.; Муратов Р.С. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси истеъмоли учун енгил саноат маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг регионал аспектлари. 08.00.13 – “Маркетинг” ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 200 б.; Қосимова Д.С. Интеграллашган корпоратив тузилмаларни бошқаришнинг замонавий тенденциялари. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2011. -166 б.; Кариева Г.А. Международный маркетинг компании в развитии экспорта (на примере текстильной промышленности Республики Узбекистан). Автореф. дис. на соис. уч. ст. канд. эк. н. – Т.: ТГЭУ, 2008. -25 с.; Турсунов Н.М. Маркетинговое управление предприятиями текстильной промышленности Узбекистана в условиях конкуренции. Автореф. дис. на соис. уч. ст. канд. эк. н. – Т.: ТГЭУ, 2008. -24 с.; Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т.: ТДИУ, 2009 йил 5 май; Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислох этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.; Абулкасимов Х.П. Приоритеты реформирования и модернизации экономики Республики Узбекистан. – Т.: Молия, 2010. - 84 с.; Кариева Г.А. Международный маркетинг компании в развитии экспорта (на примере текстильной промышленности Республики Узбекистан). Автореф. дис. на соис. уч. ст. канд. эк. н. – Т.: ТГЭУ, 2008. -25 с.; Турсунов Н.М. Маркетинговое управление предприятиями текстильной промышленности Узбекистана в условиях конкуренции. Автореф. дис. на соис. уч. ст. канд. эк. н. – Т.: ТГЭУ, 2008. -24 с.

маркетинг фаолиятида мотивация усулларидадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳсулотлар ассортиментини бўйича маркетинг бошқаруви жараёнига тизимли ёндашувни ривожлантириш ва уни амалга оширишнинг амалий инструментларини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулот ассортиментининг маркетинг бошқарувини ташкил этиш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар ва рақобат стратегияларини ишлаб чиқишга назарий ёндашувларни чуқур ўрганиш асосида уларни тизимга солиш; тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш воситаларини ўрганиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулот ассортиментини маркетинг бошқарувининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш ва мамлакатимиздаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муаммоларини аниқлаш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулотлар ассортиментини бўйича маркетинг бошқарувининг комплекс таҳлилинини амалга ошириш;

турли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларига эга тадбиркорлик субъектларининг инновацион салоҳияти ва ассортимент сиёсатини таҳлил қилиш;

тадбиркорлик субъектларининг янги ташкилий тузилмаси асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлигини оширишни таҳлил қилиш;

рақобат шароитида тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини тезкор бошқаришни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маркетинг бошқарувини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ассортимент сиёсатини инновацион бошқаришнинг стратегик инструментларини ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулотлар ассортиментининг маркетинг бошқарувини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги тадбиркорлик субъектларининг маркетинг фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети тадбиркорлик субъектларида маҳсулотлар ассортиментини бўйича маркетинг бошқаруви жараёнида вужудга келувчи муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда маркетингнинг умумилмий усуллари, таққослаш, эксперт баҳоси, танлаб тадқиқ қилиш, SWOT таҳлил, умумлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

товарлар ассортиментини бошқариш стратегик вариантларини танлаш стратегик мақсад асосида «сотувлар таҳлили» ёки «рентабеллик таҳлили» матричасига устуворлик бериш орқали такомиллаштирилган;

маҳсулотлар ассортименти маркетинг бошқаруви механизми «товар сотиб олиш», «товар захиралари ҳаракати», «товарларни сотиш» моделларини ўзаро мувофиқлаштириш орқали такомиллаштирилган;

тадбиркорлик субъектиларида маҳсулотлар ассортименти маркетинги самарадорлигини ошириш юзасидан маҳсулотни режалаштириш, ривожлантириш ва савдони қўллаб-қувватлаш тузилмасини ташкил этиш асосланган;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулот захираларининг маркетинг бошқаруви тизими ABC ҳамда XYZ категориялари бўйича таснифлашга асосланган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектларининг тижорат фаолияти самарадорлигини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маркетинг бошқаруви стратегиясини ишлаб чиқиш технологияси босқичлари ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулотлар ассортименти маркетинг бошқарувининг асосий функционал жараёнлари асосланган;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулот захираларининг маркетинг бошқаруви тизими ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик субъектларининг маркетинг бошқаруви матрицаси ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик субъектларининг маркетинг бошқаруви самарадорлигини баҳолаш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, тадбиркорлик соҳасида маркетинг стратегияларини шакллантиришни такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги ва уларни самарали таҳлил усулларида фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда ишлаб чиқилган услубий таклифлар, илмий асосланган тавсия ва хулосалар тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда таклиф этилган тавсиялардан тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланиш мумкин, шунингдек, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда маркетинг бошқарувини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишда ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация ишининг натижа ва хулосаларидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида истиқболли лойиҳаларни

амалга оширишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тармокни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ва бошқа манфаатдор тузилмаларда дастур ва режаларни ишлаб чиқишда ҳамда тадқиқот натижаларидан тегишли илмий тадқиқот ишлари, ўқув адабиётлар тайёрлаш ҳамда корхоналарда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича ўқув машғулотлари ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулотлар ассортиментининг маркетинг бошқарувини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

товарлар ассортиментини бошқаришнинг стратегик вариантларини танлашда «сотувлар таҳлили» ва «рентабеллик таҳлили» матрицаларидан уйғун ҳолда фойдаланиш таклифи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимида, жумладан «WILLING TEXTILE», «BEST TEXTILE GROUP» ва «OSBORN TEXTILE» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 9 июндаги 01/18-1487-сон маълумотномаси). Таклифларнинг фаолиятда қўлланилиши натижасида сотув ҳажми «WILLING TEXTILE» МЧЖда 12,5%га, «BEST TEXTILE GROUP» МЧЖда 11,6%га ва «OSBORN TEXTILE» МЧЖда 18,7%га ошган;

«товар сотиб олиш», «товар захиралари ҳаракати», «товарларни сотиш» моделлари асосида тизимли ва жараёнли ёндашувларни уйғунлаштириш бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимида, жумладан, «WILLING TEXTILE», «BEST TEXTILE GROUP» ва «OSBORN TEXTILE» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 9 июндаги 01/18-1487-сон маълумотномаси). Таклифларнинг фаолиятда қўлланилиши натижасида сотув рентабиллиги «WILLING TEXTILE» МЧЖда 14,6% га, «BEST TEXTILE GROUP» МЧЖда 15,1% га ва «OSBORN TEXTILE» МЧЖда 16,2 %га ошган;

тадбиркорлик субъектларида маҳсулотлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви тизими талабни бошқаришни тавсифловчи маҳсулотни режалаштириш, маҳсулотни яратиш, маҳсулотни ривожлантириш ва савдони қўллаб-қувватлаш бўлимлари ташкил этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 9 июндаги 01/18-1487-сон маълумотномаси). Таклифларнинг фаолиятда қўлланилиши натижасида бошқарув харажатлари «WILLING TEXTILE» МЧЖда 7,2% га, «BEST TEXTILE GROUP» МЧЖда 7,2% га ва «OSBORN TEXTILE» МЧЖда 8,3%га камайган;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулот захираларининг маркетинг бошқаруви тизими ABC ҳамда XYZ категориялари бўйича таснифлашга асосланган таҳлил усулларини қўллаш бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимида, жумладан, «WILLING TEXTILE», «BEST TEXTILE GROUP» ва «OSBORN TEXTILE» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 9 июндаги 01/18-1487-сон маълумотномаси). Таклифларнинг фаолиятда қўлланилиши натижасида захира миқдори «WILLING TEXTILE» МЧЖда 9,2% га, «BEST

TEXTILE GROUP» МЧЖда 7.0% га ва «OSBORN TEXTILE» МЧЖда 10,1%га камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулотлар ассортиментни маркетинг бошқарувининг назарий ва услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида маҳсулотлар ассортиментни бўйича маркетинг бошқарувининг моҳиятига таъриф бериш бўйича ёндашувлар тизимга солинган, тадбиркорлик фаолиятида маҳсулотлар ассортиментини бошқариш стратегиясининг мазмунига аниқлик киритилган, элиминацион жараёнларни ажратиш кўрсатиш орқали элиминация стратегиясини амалда қўллаш илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Диссертацияда таъкидланганидек, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви истеъмолчиларнинг кўплаб тури пайдо бўлишига, уларнинг маҳсулот ва хизматлар, маркетинг ва менежмент усулларига талаблари ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бундай жараёнда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар ассортиментини маркетинг тамойиллари асосида бошқаришни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Кўплаб илмий адабиётларда муаллифлар ассортиментни корхона фойдасини максималлаштирувчи сотув ва ишлаб чиқаришни (харидни) режалаштириш билан боғлайдилар. Бунда иқтисодий усуллардан (масалан, хавфсизлик таҳлилидан) ҳам, математик усуллардан (чизиқли дастурлаш, математик таҳлилдан) ҳам фойдаланилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур масалани ўрганиш «Ассортиментда нима ва қандай пропорцияда бўлиши керак» деган саволга

жавоб беради, бироқ у ёки бу товар тури белгиланган вақт давомида қанча ишлаб чиқарилиш (сотилиши) кераклигини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Бошқача айтганда, агар товарга талаб юқори бўлиб, бозор сифими тадбиркорлик субъектини қониқтирадиган, у бозорда эгаллаб турган ўрни ва маҳсулотнинг фойдалилигидан қониқса ёки маҳсулот асосий ассортиментни муваффақиятли тўлдирса, бунда товар ассортимент таркибида бўлиб, ассортимент матричасини ташкил қилиши лозим. Ассортимент сиёсати тадбиркорлик субъектларининг бозордаги муваффақиятли иши ва умуман, иқтисодий самарадорлигини таъминловчи товар гуруҳларини белгилаб бериши лозим.

Амалга оширган тадқиқотларимизга кўра, ассортимент режасини ишлаб чиқиш ҳар қандай тадбиркорлик субъекти стратегиясининг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳар бир тадбиркорлик субъектининг бирламчи вазифаси мавжуд товарни сотиш жараёнини таъминлаш ҳисобланади.

Диссертацияда тадбиркорлик субъектларида товар линиялари узунлигининг қанчалик муқобил эканлиги, шунингдек, ассортиментнинг қанчалик уйғун эканлиги аниқланди.

Муаллифнинг фикрича, тадбиркорлик субъектларида товарлар ассортиментни кўрсаткичлари уларни бошқариш стратегияларини белгилаб беради. Улар (стратегиялар) амалда янги товарлар (тадбиркор учун янги ёки ҳақиқатда янги товарлар) ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлади:

ассортиментни кенгайтириш (янги товар турлари қўшиш);

товарларни модификациялаш (мавжуд маҳсулотларнинг айрим кўрсаткичларини ўзгартириш);

товар линиясини «юқорига» ва «пастга» узайтириш (мос равишда қимматроқ ёки арзонроқ сегментда товарлар ёки уларнинг турларини қўшиш);

янги товар линияларини қўшиш.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар ассортиментни бўйича маркетинг бошқарувини фарқловчи уч мезонни ажратиш мумкин:

- жараённинг даврийлиги, тескари алоқа мавжудлиги;

- тадбиркорлик субъекти учун иқтисодий самарадорликка эришган ҳолда истеъмолчилар талабини қондиришга эътибор қаратиш;

- товарлар ассортиментини бошқариш субъектида маркетинг бўлимининг интеграцияловчи ва мувофиқлаштирувчилик функцияси.

Тадқиқот жараёнида аниқландики, товарлар ассортиментини бошқариш функционал даражада тадбиркорлик субъектининг маркетинг фаолиятидаги товар белгилари ва инновацияларни бошқариш жараёни билан бир қаторда товарни бошқариш жараёнининг бир қисми ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, товарлар ассортиментини бошқариш жараёнида тадбиркорлик субъектининг маркетинг фаолияти элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ҳам қайд этиш муҳим.

Тадқиқот ишида амалга оширган натижалар кўрсатмоқдаки, ассортимент режасини ишлаб чиқишни амалга ошириш ҳар қандай тадбиркорлик субъекти стратегиясининг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳар бир тадбиркорлик субъектининг бирламчи вазифаси мавжуд товарни сотиш

жараёнини таъминлаш ҳисобланади. Савдо фаолияти муваффақиятли бўлиши учун кейинчалик сотувга қўйиш мақсадида нимани ва қанча миқдорда сотиб олиш ҳақида тўғри қарор қабул қилиш лозим.

Тадқиқотларга кўра, тадбиркорлик фаолияти мазмунини кенгайтириш маркетинг бошқарувидан фойдаланиш учун объектив шарт-шароитлар яратади. Тадбиркорлик субъектларида маркетинг бошқаруви, муаллиф томонидан маркетинг мафкураси ва унинг бошқарув концепцияларини синтез қилиш асосида бозор муносабатларида тижоратни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган мақсадли бозор сегментининг эҳтиёжларини қондириш учун муҳим аҳамиятга эга бошқарувнинг ўзига хос тури сифатида талқин этилади.

Мазкур илмий ишда маркетинг бошқарувининг бошқарув маркетингидан фарқи аниқ ифодаланган. Бошқарув фаолиятига маркетинг ёндашуви, маркетинг мафкурасига асосланган бошқарув фаолияти чегараларини белгиловчи умумий назарий асос сифатида тақдим этилади.

Маркетингни бошқариш мақсадли истеъмолчиларнинг талабларига жавоб берувчи, рақобатчилардан кўра самарадорлироқ усул ва воситаларга эга корхона фаолият юритувчи мақсадли бозор сегменти эҳтиёжларини аниқлашга қаратилган.

Маркетингни бошқаришдан фарқли равишда, маркетинг бошқаруви тадбиркорлик субъектининг барча таркибий бўлинма ва мутахассисларининг ресурслари ва салоҳиятидан фойдаланиб, ташкилотдаги маркетинг стратегиясининг муқобил тўпламини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мақсад қилади.

Тадбиркорлик фаолиятида маркетинг бошқарувининг асосий ўзига хос хусусияти – бошқарув фаолиятининг предмети аниқ белгиланган чегаралар, шунингдек, стратегик менежмент тизимини ташкил этувчи элементлари билан маркетинг жараёнларининг олдиндан белгиланган таркиби мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг «**Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулотлар ассортименти маркетинг бошқаруви ҳолати ва самарадорлиги таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлар ассортиментини бўйича маркетинг бошқарувининг комплекс тизими тамойиллари, ресурслар ва жараёнларнинг бир бутун мажмуи сифатида таҳлил қилинган, истеъмолчилар талабини қондириш ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида маҳсулотлар ассортиментини бўйича маркетинг бошқаруви жараёнларини тизимга солиш ва тизимнинг барча элементларини мувофиқлаштириш имконияти ўрганилган.

Турли нарх ва хусусиятга эга маҳсулотларни танлашни истовчи истеъмолчиларнинг мақсадли аудиториясини алоҳида ажратиш имконини берувчи кўп омилли талабни ҳисобга олган ҳолда бозорни сегментлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари интеграцияни дастурий таъминот ва ахборот технологияларига асосланувчи бир ўйин сифатида

тушунадилар. Бошқача айтганда, ҳозир тадбиркорлик субъектларининг барча савдо нуқталарига ички режалаштириш ўтказиш имконияти пайдо бўлди, бу бир корхонанинг барча савдо нуқталари учун такрорланувчи (бир-бирига ўхшаш, қўшимча бириктиришни талаб қилмайдиган) таъминот занжиридан фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан фойдали ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятида товарлар ассортиментини бошқариш эътиборни тадбиркорнинг товар захиралари даражасини режалаштириш ва назорат қилишга қаратади. Унинг вазифаси тадбиркорлик субъектининг молиявий эҳтиёжларини товарлар харид қилиш стратегияси билан мувофиқлаштиришдан иборат.

Муаллифнинг фикрича, тадбиркорлик субъектлари товар ассортиментини бошқаришнинг комплексли вазифасини қуйидаги тарзда белгилаш мумкин:

1-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятида ассортимент товар режасини тузишнинг асосий жиҳатлари

1. Маркетинг жиҳатлари	Савдо нуқтаси ва унинг имижи, савдони ташкил қилиш шакли, ташқи муҳит, чакана таклиф, мода йўналишлари, мижозлар маълумот тўплами, доимий харидорлар
2. Товар стратегияси вариантлари	Танлов имкониятлари (кенглиги ва чуқурлиги) ва ассортиментни ҳисобга олган ҳолда товар мавжудлиги, сифат, эксклюзивлик, товар мавсумийлиги, харажатларни баҳолаш, ҳаракатлантириш ҳақида битим
3. Мижозлар маълумот тўплами тури	Харид қилинган товар бирликлари, харид қилинган товарлар спектри, мавсум давомийлиги, турли ассортимент гуруҳлари доирасида битимлар ўртача қиймати, савдо нуқтасига ташриф буюришлар, харидни амалга ошириш тезлиги
4. Молиявий жиҳатлари	Сотув ҳажми прогнозлари ва фойдалилиги, инвестицияланган капитал, тузиладиган шартнома тури, тўлов шартлари, корпорация максадлари ва нарх шаклланиши сиёсати
5. Керакли товар ассортиментини излаш	Товар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур: ассортимент, таққосланиш, йўл қўйиладиган харажатлар даражаси, таклиф этиладиган нарх доираси, брэнд соҳасидаги сиёсат, товарнинг мавжудлиги, етказиб бериш, товарни сақлаш билан боғлиқ эҳтиёжлар, молиявий натижа

Манба: муаллиф ишланмаси.

Бу – харидни режалаштириш ва амалга ошириш, товар тоифаларини транспорт воситасида ташиш ва муайян тадбиркорлик субъекти манфаатларида мониторинг қилишдан иборат.

Маркетингга асосланувчи ёндашувлар доирасида айнан истеъмолчи якуний ҳисобда стратегиянинг барча муқобил вариантларини белгилаб беради. Мижозда танлов мавжудлиги (ассортимент кенглиги ва чуқурлиги), мос келувчи ҳажм, сифат, ва товарнинг эксклюзивлиги, унинг мавжудлиги ва харажатлари нуқтаи назаридан ўз хоҳиш-истакларига эга.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан товар режасини ишлаб чиқишда қуйидагилар талаб қилинади:

- бозорнинг мақсадли гуруҳлари ҳақида фикрлаш ва тушуниш;
- минтақавий даражада сотув ҳажми прогнозларини алоҳида корхоналар (филиаллар) бўлинмалари даражаси билан мувофиқлаштириш;
- рақобатчилар ҳақида ахборот тўплаш ва корхонанинг янги бўлинмалари режасини тузиш;
- корхонанинг брэнд сиёсати ва умумий корпоратив сиёсат хусусиятларини ҳисобга олиш;
- мерчандайзингга ажратилган бюджетни мувофиқлаштириш;
- харидорлар билан узвий алоқалар ўнатиш ва олдиндан муҳокамалар ўтказиш.

Тадбиркорлик фаолиятида товар режасини тузишда турли товар тоифалари ҳаётийлик даврининг тебраниши муҳим жиҳат ҳисобланади, бунда айрим товарларга талаб бошқа товарларга талабга нисбатан узоқ давом этади (2-жадвал). Масалан, оммавий қизиқиш мавжуд маҳсулот аҳолининг йирик сегментидан унга талаб катта бўлиши сабабли сотув ҳажми юқори бўлишини таъминлайди.

2-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятида товар тоифасининг ҳаётийлик даври таҳлили

Кўрсаткичлар	Товар – оммавий товар	Урф бўлган товар	Оммавий талаб товари	Мавсумий товар
Бир нечта мавсум давомидаги сотув ҳажми	йўқ	ҳа	ҳа	ҳа
Кўплаб мавсумлар давомидаги муайян услуб	йўқ	йўқ	ҳа	ҳа
Кейинги мавсумга прогноз қилиш қийин бўлган сотув ҳажми	ҳа	ҳа	йўқ	баъзида

Манба: муаллиф ишланмаси.

Товар турларини режалаштириш товар сиёсатида алоҳида қийинчиликларни келтириб чиқаради. Маҳсулот турларини шакллантириш – бу яғни товар яратиш фикри туғилишидан бошланиб. Унинг бутун яшаш даврида давом этувчи узлуксиз жараёндир.

Товар сиёсатини амалга оширишда, айниқса, тикув-трикотаж корхоналари учун маҳсулот ассортиментини ўрганиш ҳам муҳимдир.

Ассортимент сиёсати ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини танлаш ҳамда технологик вазифалар ва корхона тажрибасидан фойдаланиш мувофиқлашувини таъминловчи ишлаб чиқариш тузилмасини, ишлаб чиқарилган товарлар фойдалилиги ва янгилик киритиш харажатларини аниқлашни кўзда тутаяди. Муаллифнинг фикрича, бу қуйидагиларни талаб этади:

➤ такомиллаштириш ва замонавийлаштиришни талаб этувчи янги маҳсулот ва буларни талаб қилмайдиган эскирган маҳсулот ўртасидаги нисбатларни тадқиқ этиш ва аниқлаш;

➤ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини сифат ва миқдор кўрсаткичларида аниқлаш;

➤ моделлар ва уларни замонавийлаштирилганлари сонини аниқлаш;

➤ барча ишлаб чиқарилаётган навлар ва уларни янгилаш истиқболлари бўйича товарнинг ҳаётийлик даврини аниқлаш.

Ўрганиш объекти сифатида танланган тикув-трикотаж саноати бир қанча қуйидаги фарқли хусусиятларга эга: ихчам ишлаб чиқариш таркибига эга, истеъмол бозорига тўғридан-тўғри чиқиши, сегментни аниқлашга йўналтирилган товар сиёсати ва ҳоказо. Шу боисдан, мазкур саноат корхоналари ассортимент сиёсатининг маркетинг бошқарувида юқоридаги хусусиятлар ҳисобга олиниши лозим.

Тадқиқот жараёнида ўрганилаётган «BEST TEXTILE GROUP» МЧЖ, «WILLING TEXTILE» МЧЖ ҳамда «OSBORN TEXTILE» МЧЖлар асосан тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш ва уни сотиш фаолияти билан шуғулланади. Тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчи бу корхоналар ўз савдо шаҳобчаларига эга бўлганлиги сабабли улар фаолиятида самарали ассортимент сиёсатини олиб бориш муҳим аҳамият касб этганлиги ва республикамиз тикув-трикотаж корхоналари ўртасида ўзига хос салоҳиятга эга эканлиги сабабли улар ўрганиш объекти сифатида танланди.

Саноат ишлаб чиқаришида юзага келиши мумкин бўлган номуносибликнинг олдини олиш учун корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш режасини нафақат қиймат (пул) ифодасида, балки қатъиян белгиланган ассортимент бўйича ҳам бажариши лозим. Чунки, турли маҳсулот турлича истеъмол хусусиятига эга, шу сабабли айрим маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юзага келган танқисликни бошқа маҳсулотларни режага нисбатан кўпроқ ишлаб чиқариш билан тўлдириб бўлмайди.

Маҳсулот ассортименти режасининг бажарилиши таҳлили энг кам сон миқдорини ҳисобга олиш усулини қўллаш орқали амалга оширилди. Таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилган. 3-жадвал маълумотларига кўра, таҳлил қилинаётган «WILLING TEXTILE» МЧЖ ассортимент бўйича режани 99,40 фоизга бажарган.

Айнан шу усул билан «BEST TEXTILE GROUP» МЧЖ ҳамда «OSBORN TEXTILE» МЧЖларда ҳам 2019 йилда маҳсулот ассортименти режаси бажарилиши таҳлил қилинди.

Таҳлил натижалари кўрсатадики, 2019 йилда маҳсулот ассортименти режаси бажарилиши «BEST TEXTILE GROUP» МЧЖда 98,62 % ни ҳамда «OSBORN TEXTILE» МЧЖда 99,46 % ни ташкил этган.

«WILLING TEXTILE» МЧЖ корхонасида 2019 йилда ишлаб чиқарилган асосий маҳсулот асортименти бўйича режа бажарилиши таҳлили⁵

Маҳсулот турлари	2019 й.			Тафовут (+,-) дона	Ассортимент бўйича режа бажарилиши	
	Режа бўйича	Ҳисобот бўйича	% баж.		дона	%
Қисқа англи ўғил болалар жемпери	12500	12420	99,36	-80	12420	99,36
Ўғил болалар учун футболка	15800	15810	100,06	+10	15800	100,0
Ўғил болалар учун водолазка	22300	22174	99,43	-126	22174	99,43
Ўғил болалар учун шалвар	32500	31780	97,78	-720	31780	97,78
Узун англи ўғил болалар жемпери	14600	13560	92,87	-1040	13560	92,87
Ўғил болалар учун пижама	18900	18920	100,10	+20	18900	100,0
Ўғил болалар учун комплект трикотаж буюми	16300	16320	100,12	+20	16300	100,0
Қиз болалар учун трикотаж шим	24600	24650	100,20	+50	24600	100,0
Болалар учун ҳаммом халати	16400	16376	99,85	-24	16376	99,85
Қиз болалар учун комплект трикотаж буюми	17800	17840	100,22	+40	17800	100,0
Қиз болалар учун футболка	16800	16820	100,12	+20	16800	100,0
Қисқа англи қиз болалар жемпери	14900	14920	100,12	+20	14900	100,0
Узун англи қиз болалар жемпери	18600	18622	100,12	+22	18600	100,0
Ўсмир болалар учун шортлар	22900	23105	100,89	+205	22900	100,0
Болалар учун майкалар	36400	36426	100,07	+26	36400	100,0
Қиз болалар учун лосиналар	16800	16820	100,12	+20	16800	100,0
Қиз болалар учун кўйлақлар	14700	14680	99,86	-20	14680	99,86
Жами:	332800	331243	99,53	-1557	330790	99,40

Диссертациянинг «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида маҳсулотлар асортименти маркетинг бошқарувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари» деб номланган учинчи бобида рақобат шароитида тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини тезкор бошқаришни таъминлаш механизмлари таклиф этилган, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар асортиментини бошқариш стратегик вариантларини танлаш услуги матрицаларни қўллаш асосида такомиллаштирилган, тизимли ва жараёнли ёндашувларни уйғунлаштириш орқали тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари асортиментини маркетинг бошқаруви механизми такомиллаштирилган, фаолият, функция ва талабни бошқаришни тавсифловчи

⁵ Манба: Корхона ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

кўрсаткичлар тизими ёрдамида тадбиркорлик субъектлари маркетинг бошқаруви самарадорлигини баҳолаш натижалари асосида маҳсулот ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви тизими шакллантирилган, тадбиркорлик субъектларида ассортимент сиёсатини инновацион бошқаришнинг стратегик воситалари ишлаб чиқилган.

Тадбиркорлик фаолиятида товар ассортименти ва уни қўллаб-қувватлашда ҳар бир товарнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олувчи ассортимент режаси тузилгандан кейин корхонага тегишли ҳар бир савдо нуқтаси ҳажми, шунингдек, талаб тебранишлари, мерчандайзернинг ўрни кўзда тутилган молиявий смета билан таққослаганда амалдаги сотув ҳажми мониторингини назарда тутиш лозим. Товар захираларининг айланувчанлигини қўллаб-қувватлаш ва тезлаштириш учун имконият топишга интилиб, мерчандайзер жуда фаол, яъни тезкор ҳаракат қилиши лозим. Бунинг учун турли товар тоифалари «хулқ-атвор» самарадорлигининг мураккаб, мохирона таҳлили зарур.

Тадбиркорлик фаолиятида «сотувлар таҳлили» ва «рентабеллик таҳлили» матрицаларини қиёслаш орқали товарлар ассортиментини муқобиллаштириш стратегиясини танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда икки матрицани қиёслаш орқали бозордаги талаб нуқтаи назаридан ҳамда корхона учун иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан ҳар бир товарга берилган объектив баҳо олинади.

Ҳар бир товар мавқеи ўз рейтингига қараб «сотувлар таҳлили» матрицасидаги «А», «В», «С», «D» квадрантлардан бирига ва «рентабеллик таҳлили» матрицасидаги «1», «2», «3», «4» квадрантлардан бирига киради.

Маҳсулот ассортиментини бошқариш асосан товарни самарали силжитиш асосида унинг сотиш ҳажмини ошириш ҳамда юқори фойдадорликка эришишга қаратилади. Тадқиқотларда товарнинг бозордаги ўрнини баҳолашда тикув-трикотаж корхонаси учун энг муҳим куйидаги икки мезон: рентабеллик ва сотувлар ҳажмидан фойдаланилди. Бу иккита матрицадан уйғунлашган ҳолда амалиётда фойдаланиш тикув-трикотаж корхоналари учун истиқболда рақобатда устунликни таъминловчи куйидаги маркетинг стратегияларини танлаш ва: товар инновацияси, товар модификацияси, товар элиминацияси уни қўллаш имконини беради.

Тадқиқот жараёнида ўрганилаётган «BEST TEXTILE GROUP GROUP» масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) ҳамда «WILLING TEXTILE» МЧЖ тикув-трикотаж корхоналари учун товар ассортиментининг маркетинг бошқарувини ташкил этишда мазкур маркетинг стратегияларининг муқобили танланди.

Товарлар мавқеини баҳолаш комбинациялари ва ҳар бир комбинацияга қўлланилувчи стратегиялар 4-жадвалда келтирилган. Қайд этиш муҳимки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида танланган стратегияни амалга оширишдан олдин маркетинг комплексининг муқобил элементларини таҳлил қилиш зарур, чунки муаммо товарда эмас, балки нарх, силжитиш ёки тарқатиш масалаларида бўлиши мумкин.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уни сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар ассортиментини бошқариш стратегиясини танлаш матрицаси⁶


	А	В	С	Д
1.	Маркетинг ва/ёки товар инновацияси.	Маркетинг ва/ёки товар инновацияси.	1.Маркетинг ва/ёки товар инновацияси. 2.Модификация. Қўшимча таҳлил: -тарқатиш каналлари, -силжитиш.	1. Модификация. 2. Элиминация. Қўшимча таҳлил: -тарқатиш каналлари, -силжитиш.
